

● Тарихга янгича назар

БУГУН Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган кунда ҳамма нарса ўз номи билан аталмоқда. Энг муҳими ҳақиқат қарор топмоқда. Ўзбекларнинг тарихи ҳам қанчалик сохталантирилганлиги аён бўлмоқда. 130 йилдан ортиқ тутқинликда яшаганлигимиз ҳам очик айтилмоқда. Аммо энг даҳшатлиси, ана шу йиллар ичида Ўзбекистоннинг истиқлоли, ўзбекнинг қадриятлари йўлида курашиб ҳақиқатни халққа баралла айтган ҳамюртларимизга, ватандошларимизга ўз қўлимиз билан кўр-кўрона маломат тошларини отганлигимизга ҳам иқдор бўлмоқдамиз. Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир... Уларнинг санаб, санюига етиш қийин. Шукри, бугун оқни англаб олдик. Кеч бўлса-да, уларнинг мана шу биз эришган истиқлол йўлида қурбон бўлганликларини билдик. Ҳақиқатни қарор топтира бошладик. Лекин ана шу машғум йиллардаги воқеаларнинг тагига етмоқ учун жуда кўп иш қилишга тўғри келиши ҳам аниқ. Чунки биз инқилобга қарши эди деган, аслида мустамлакачиликка қарши курашган шундай ватандошларимиз борки, улар Ўзбекистон

тон мустақиллиги йўлида курашиб Ватандан жудо қилинди, ўзга юртларда буни орзу қилиб жон бердилар.

Биз ҳали ана шундай фидойиларнинг жуда кўпчилиги тўғрисида деярли ҳеч нарса билмаймиз. Аммо халқимизга буюк ҳақиқатни ҳам рўй-роҳ айтидиган пайт келди. Яқинда Тошкентда буюк миллат саркардаси Мадаминбекдан кейин «Амир лашкари мусулмон» лавозимида охиригача истиқлол учун курашган Шермухаммадбек (Кўршермат)нинг ҳайкали яратилганлигини эшитиб, бу иш жараёни билан танишгач, бунга яна бир бор амин бўлдим.

Очиги, бу гапни эшитдим, аввалига ҳайрон бўлдим, сўнг қизиқшим янада ортди. Ниҳоят, сўраб-суриштиришлардан кейин бу маълумотнинг тўғри эканлигини, ҳайкални яратиш учун тошкентлик тижоратчи Абдумалик Убайдуллаев ҳомийлик қилаётганлигини аниқладим. Уни излаб олдим. Шу хусусда инқилоб бафуржа суҳбат қурдик.

эришган, тарихимиз, қадриятимиз тикланаётган экан, Ислом Каримов айтганидек, уни мустақамлашимиз ҳам жуда зарур деб ҳисоблайман. Бунинг учун Ўзбекистоннинг ривожига ҳисса қўшаман деган барча кучлар бирлашишлари керак. Ана шундагина биз минг афсус билан қайд этаётган йигирманчи йиллардаги воқеаларга, бир-биримизга тош отишларга чек қўямиз. Ушбу ёдгорлик ҳайкали ана шунга хизмат қилишини истар эдим.

— Ҳайкални қаерга ўрнатиш режалаштирилмоқда ва сир бўлмаса у қачон очилади?

— Бу масалада жумҳурият раҳбарияти, шаҳар маъмурияти, шахсан шаҳар ҳокими Адҳамбек Фозилбеков билан учрашдик. Унга бутун пойтахт маҳалла қўмиталари фаолларининг ушбу ҳайкални шаҳарнинг марказий майдонларидан бирига қўйиш тўғрисидаги мурожаатномаларини топширдик. Адҳамбек ака ҳам бу хайрли ишни мамнуният билан қабул қилдилар. Энди ҳайкални қаерга ўрнатиш масаласига келсак уни шаҳар маъмурияти тез орада ҳал этади, деб ўйламан. Бизнинг режамиз ушбу ҳайкални Шермухаммадбек таваллуд топган куннинг 100 йиллиги (у 1893 йилда туғилган) олдидан шаҳар аҳлига тақдим этишдир.

Суҳбатдош
Ф. МУҲИДИНОВ.

— Абдумалик ака, биз хорижлик кордонлар, ишбилармонларнинг бундай хайрли ишлари ҳақида кўп эшитганмиз. Лекин Ўзбекистонда сўнгги йилларда бирон киши томонидан бундай хайрли ишнинг биринчи бор гувоҳи бўлиб турибман.

— Тўғри, хорижда бирон киши томонидан амалга оширилган бундай хайр-аҳсон ёки савобли иш оддий воқеа сифатида баҳоланади. Бизда эса унга қандайдир башқача муносабатда бўлинади. Аслида халқимиз, сиз ва биз сўнгги 70—80 йил ичида шундай хулоса чиқарадиган бўлиб қолдик. Ваҳоланки, ўзбек халқининг ҳам бу борада ўзи яратган ажойиб анъанаси мавжуд. Узоққа бормаёлик, инқилобдан олдин ҳам юртимизнинг уламолари, кордонлари, пирлари халқ учун хизмат қилишган. Мадрасалар, масжидлар, ҳаммомлар қуришганлиги, кўприклар бунёд этиб, йўللар очишганлиги тарихдан маълум-ку! Бугун ана шу ҳақиқат тикланаётган кунда буни ким инкор этади? Демокриманки, бундай хайрли ишлар ўзбек халқининг анъанаси эди. Мен эса ана шу анъанани қайта тиклашга кичкина бўлганда-да ҳиссамни қўшмоқдаман, холос.

— Мени кечирасизу сиз билан мулоқотда бўлиб, Шермухаммадбек сиймоси акс эттирилган ҳайкални кўрмагунимча бунга ишониб-ишонқирамадим. Сизга бу ишни бошлашда нима туртки бўлди?

— Бундан чамаси бир йил муқаддам Америка Қўшма Штатларида сафарда бўлиб қайтган бир юртдошимиз билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдим. У менга Шермухаммадбекнинг суратини кўрсатди. У кишини Америкадаги ватандошларимиз миллий қаҳрамон сифатида ниҳоятда улуғлашларини айтди. Бу мени қизиқтириб қолди. Нега уни хориждаги ўзбеклар шунчалик улуғлашади, деган савол тинчлик бермай қўди. Бу бежиз эмас эди. Чунки биз шу кунгача Шермухаммадбекни китобларда, тарихда, турли манбаларда, ҳатто киноларда ҳам Кўршермат лақабли босмачи сифатида ўқиб, кўриб келдик-да.

Шу тариқа унинг тарихини ўрганишга киришдик. Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, «Ўзбекфильм» хазинасида Шермухаммадбек билан боғлиқ маълумотлар билан танишдик. У узоқ дарбадарликдан сўнг муқим яшаб, ўз ватанини қўсаб оламдан ўтган Туркиянинг Адана вилояти билан боғландим. Менга қўшимча маълумотлар юборишди. Унинг 1970 йилда вафот этганлигини ва дафн маросимида суратга олинган видеотасмаларни юборишди. Ҳатто менга ҳали замон Туркияда мана шундай катта дафн маросими бўлмаганлиги айтишди. Бунга видео-



ТОШКЕНТДА МИЛЛИЙ ЛАШКАРБОШИ ҚУШОҚБЕК ҲОЖИ УҒЛИ ШЕРМУХАММАДБЕКНИНГ ҲАЙКАЛИ ЯРАТИЛМОҚДА.

тасмани кўргач, ўзим ҳам иқдор бўлдим.

Ана шундай қилиб тарихнинг ҳақиқий саҳифасини тиклашга ҳаракат қилдим. Шермухаммадбекнинг яқин йилларда бизнинг онгимизга сингдирганларидек, «босмачи», «халқ душмани» эмас, миллий истиқлол йўлида курашганлардан бири эканлигига амин бўлдим. Қолаверса, нодир тарихий ҳужжатлар, олимларимиз ҳам буни исботлаб беришди.

Шу тариқа хориждаки мана шундай иззат-икром топган ўзбекнинг миллий қаҳрамони учун нега шаҳримизда ҳайкал қўйиш мумкин эмас, деган фикрга келдим.

Албатта, бунинг учун каттагина маблағ талаб қилиниши, бугунги иқтисодий танг шароитда уни амалга ошириш учун бирон ташкилотда ортинча пул йўқлиги ҳам маълум. Шунинг учун бу ҳайкални давлат ҳисобидан эмас, тижорат йўли билан жамғарилган ўз даромадидан ҳисобга қуришга қарор қилдим.

— Ҳайкал қаерда ва қандай бунёд этилмоқда?

— Юқорида айтганимдек, аввало Шермухаммадбекнинг ҳақиқий сурат тасвирини кўплашиб тикладик. Ана шундан кейин уни яратиш бўйича Тошкентдаги жумҳурият ҳайкалтарошлик устахонаси маъмурияти билан расмий шартнома туздик. Шермухаммадбекнинг ҳайкалдаги ҳақиқий сиймосини яратиш учун жуда кўп мутахассисларни, фақат Ўзбекистондагина эмас, бошқа жумҳуриятлардан ҳам энг тажрибали ҳайкалтарош усталини таклиф этишга тўғри келди.

Ҳақиқий иш 1991 йилнинг сентябрь ойида бошланди. Мана, қарийб беш ойда уни яратиш бўйича қилинган иш ниҳоят-сига етди. Ҳайкалнинг баландлиги 7,5 метр бўлиб тўлиқ бронзадан қуйилди. Бронзани Санкт-Петербурдан олиб келишга тўғри келди.

— Бу ишни жамоатчилик қандай қабул қилди? Ҳар ҳолда сиз юқорида айтганингиздек, миллий лашкарбо-

шилариимиз ҳақидаги сохта маълумотлар халқнинг онинга сиз ва биз ўйлагандан ҳам чуқур кириб кетган-ку?

— Бу савол мени ушбу ишни бошлашга жазм қилганимдаёқ кўп ўйлантирди. Ҳар ҳолда жамоатчилик қандай қабул қиларкин, бу мени ҳам жуда қизиқтирарди. Шунинг учун дастлаб бу ҳақда таниш-билишларга, фахрийларимизга, оқсоқолларимизга маслаҳат солдим. Буни қарангки, улар жуда хурсанд бўлиб кетишди. Менга қандай мадад зарур бўлса, ёрдам беришга тайёр эканликларини билдиришди. Кейинчалик ҳайкалнинг дастлабки нусхаси тайёр бўлгач, жумҳуриятимиздаги бир гуруҳ ижодкорларни, халқ ноибларини, маҳалламиз оқсоқолларини устахонага олиб бориб ҳайкални кўрсатдим. Биласизми, уларнинг кўзларидан ёш қалқиб чиқди. Менга оқ фотиҳа беришди. Ана шундагина бу ишни бежиз қилмаётганлигимга, у халқимиз учун фақат ёдгорликкина эмас, топталган тарихимизни, миллий қадриятимизни тиклаш йўлида жуда катта роль ўйнашига амин бўлдим, дилим равшан тортди.

Ўрни келганда кўнглимдаги ана бир гапни алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтишим керак. Бундай хайрли ишларнинг бошланишида, қадриятимизнинг тикланишида Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ҳиссаси катта бўлаётганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. У киши бу йўлда ҳали жуда кўп иш қилиниши, айниқса, хориждаги ватандошларимиз учун ҳамма эшикларимизни, кўнглимизни очиб беришимиз кераклигини бежиз айтмадилар. Яқинда Президентимиз Тошкент шаҳар маҳалла фаоллари билан бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқида ҳам инқилоб даврида, умуман йигирманчи йилларда ва ундан кейин бадном қилинган, истиқлол йўлида курашган тарихий шахсларни тиклаш, уларнинг ишига холис баҳо бериш вақти келганлигини алоҳида таъкидладилар.

Мен бу фикрларга тўла қўшилган ҳолда бугун Ўзбекистон ўз мустақиллигига



СУРАТДА: Шермухаммадбекнинг ҳайкали шундай кўринишда бўлади. Сураткаш В. ТҶРАЕВ.

(Боши 2-бетда).

«ОРБИТА IV» (Москва)

- 6.00 «Тонг».
8.35 Мультфильмлар.
9.10 «Болалар ўйнайдиган театр».
10.05 «Ака-ука Карамазовлар».

- 12.00 Янгилликлар.
12.20 «Инсон ва қонун».
13.00 «Ҳайвонот оламида».

- самбли ижро этади.
18.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.20 «Криминформ» хабар қилади.

«ДУБЛЬ IV» (Москва)

- 8.00 Хабарлар.
8.20 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
8.50 Ишдан бўш пайтингда.

- 15.30 Фольклор кўрсатуви.
16.30 Россия маданиятига нисбатан ёрдам беради?
16.45 «Жаҳон бозорининг налтири».

Жума, 7. II

УзТВ I

- 8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
8.20 «Лайли ва Мажнун».
18.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
18.10 «Қандай қилиб тулкилар товуқлар билан дўстлашгани ҳақида?».

- сидра тайёрланган кўп қисмли видеофильм премьераси.
22.35 «Севги сароблари».
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

- АШХОВОД КЎРСАТАДИ: «ОРБИТА IV» (Москва)
6.00 «Тонг».
8.35 Мультфильмлар.
8.55 «...16 ёшгача ва ундан катталар».

- 12.20 «Амати» триосининг концерти (Бельгия).
12.55 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
13.55 «Ён дафтар».

- 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилликлар.
21.20 Г. Даниелия билан учрашу.

- этади...».
11.05 «Асил ҳолича».
12.00 «Бешикчи гилдиран».
15.20 «Ҳужжатли кино... Бўғи нима бўлади?».

Шанба, 8. II

УзТВ I

- 8.00 «Ассалому алайкум».
9.00 «Лайли ва Мажнун».
10.15 Ўзбек тилини ўрганиш.
10.45 «Бизга мактуб йўллаб-сиз».

- 19.50 «Ўзбекистон телевидениеси. У қандай бўлиши керак!».
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Лайли ва Мажнун».

УзТВ II

- ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
9.00 «Савту қалом».
9.55 «Тирранча».
18.05 «Чарогак».

«ОРБИТА IV» (Москва)

- 7.30 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
8.30 «Олтин хўроз ҳақида эртан».
9.00 «Уйғонаётган Африка».

- 16.15 Ян Сибелиус. «Ғамгин вальс».
16.20 «XX аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарафонига.
16.35 «Бир боқишда муҳаббат».

«ДУБЛЬ IV» (Москва)

- 8.00 Хабарлар.
8.20 «Увертюра».
9.00-15.00 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИНING «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

Якшанба, 9. II

УзТВ I

- 8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
8.30 «Лайли ва Мажнун».
10.00 Араб тили.
10.30 «Ойниқон, мен тирикман».

- 22.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Омад».
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

- БИШКЕК КЎРСАТАДИ:
9.05 «Ўзга сайёраликлар».
9.25 «Бобок, сенин жомагун».
9.45 Қирғизча сўзлашганини ўрганамиз.

- 11.00 «Тонг юлдузи».
11.50 Руки премьераси. «Анжуман».
13.05 А. Глазунов. «Раймонда» балетига ёзилган мусиқалардан сюита.

- 19.35 «Телелодия».
19.55 Ялтада Рождество байрами.
20.25 «Олтинчи палата».

«ОРБИТА IV» (Москва)

- 11.00 Алишер Навоий шеърлари.
11.45 «Бизнинг музоҳабба».
12.35 «Цирк. Цирк. Цирк».
13.05 «Мулоқот».

ИСТИҚБОЛЛИ ИЛМИЙ АЛОҚАЛАР

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон Республикасининг чет мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқалари кенгайиб бормоқда.

Ана шу илмий-амалий жараёнлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик фанлари академияси тартибда марказлаштирилган. Ушбу фан штабда академия ҳамда илмий тадқиқот илмгоҳларининг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга қаратилган дастур ишлаб чиқилди. Бу ҳужжатта мувофиқ қўшма корхоналар тузиш, чет эллик мутахассис ва олимлар билан биргаликда тадқиқотлар олиб бориш, илмий-техникавий ахборотларни айрибош қилиш кўзда тутилди.

Исроилдаги «Озкот» ва «Ганим» фирмалари билан бамаслаҳатликда иш юритилиб, қўшма корхоналарни очиш режалаштирилган эди. Шу мақсадларда ҳужжатлар имзоланди. Худди шундай тадбир Америкадаги «НТ Сервис» фирмаси билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Ҳозир Болгария, Канада, Хитой ва Ҳиндистон мамлакатларидаги фирмалар билан биргаликда қўшма корхоналар тузиш тарафлари кўрилмоқда.

Хитой, Болгария, Миср Фанлар академиялари билан ҳам яқин илмий алоқалар йўлга қўйилган бўлди. Шу мақсадда қатор шартномалар тузилди. Индонезия, Вьетнам фирмалари ипак кўрти етиштиришни сановат асосида ривожлантириш режаларини тақдим этдилар.

Академия илмгоҳлари халқаро ярмаркалар ташкил этиш, Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда кўргазмалар очиш борасида ҳам фаоллик кўрсатиб келмоқда, — дейди чет мамлакатлар билан алоқа бўлими бошлиғи С. Эшонхожиева биз билан суҳбатда. — Жумладан, Колумбияда очилган йирик ярмаркада деҳқончилик фани ютуқларига доир экспонатлар кенг намойиш қилинади.

Академия Туркиядаги фирмалар билан ҳамкорлик ўрнатилган доир тақлифларни илгари сурди. Жумладан, яқин орада 10 нафар ёш мутахассис Туркияга йўл олади. Улар дўст мамлакатдаги чорвачилик фермаларидан бирида меҳнат қиладилар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, АҚШ, Канада, Ҳиндистон каби мамлакатлар илмий жамоатчилиги билан бевосита алоқалар ўрнатилган юзасидан ҳам фикрлашиб олинди.

Ўзбек деҳқончилик фани намояндалари ўтган йили Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Корея, Мексика каби мамлакатларга бориб, тажрибалар юзасидан ўзаро фикр алмашиб қайтган эдилар. Ўз навбатида франциялик, эронлик, хитойлик, Ҳиндистонлик қишлоқ хўжалиги фани олимлари ва мутахассислари ваниллари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик фанлари академиясида, унга қарашли илмий тадқиқот илмгоҳлари, тажриба хўжаликларида бўлдилар.

А. АЛИЕВ.



30 январда пойтахтдаги Абу Али ибн Сино номида 105-мактабда катта байрам бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар физика ўқитувчилари — «Мўъжизалар майдони» беллашувининг томошабинлари бўлиб келишди.

Мазкур беллашувнинг ўтказилиши мактаб ўқитувчилари ўртасида зўр қизиқиш билан кутиб олинди. Бунда 9-, 10-, 11-синф ўқувчилари иштирок этдилар. Беллашувда 11-«А» синф ўқувчиси Нилуфар Носирова голиб деб топилди. 10-«А» синф ўқувчиси Маъсура Саидхамедова, 10-«А» синф ўқувчиси Маъмур Иноғомов иккинчи ва учинчи ўрин совриндори бўлдилар. 105-мактаб директори Ойбек Иноятов, Тошкент шаҳар малака ошириш институти физика ва математика фанлари услубиятчиси Шахло Турсунова голибларга эсдалик совғаларини топшириб, табрикладилар.

Суратларда: «Мўъжизалар майдони» беллашувидан лавҳалар.

В. ТУРАЕВ олган суратлар.



ҚАТРА ХАНДАЛАР

ЯРИМ кечада хотин эрини туртиб уйғотди.

— Дадаси, ҳой дadasи, қўшни хонада кимдир юрганга ўхшайди. Ўғри тушган бўлмасин яна.

— Уф-ф, неча марта айтаман сенга, — деди эр хотини бевақт уйғотганидан норози бўлиб, — бирон нарсага тўла ишонч ҳосил қилмагунча, одамни безовта қилма деб. Аввал қўшни хонага ўтиб кўр, ростдан ўғри бўлса, кейин уйғотарсан.

ТУНДА уйғониб кетган хотин хонада ўқдан-буёққа юриб ухламаётган эрига кўзи тушиб сўради:

— Ҳа, дadasи, нега ётмаяпсиз?

— Соат икки бўлаётган ҳамон ўғлингдан дарак йўқ, — деди эр.

— Шунга ҳавотир олаяпсизми, ўғлимиз ёш бола эмас, йигит бўлиб қолган, юрса юргандир ўртоқлари билан...

— Телпагим билан этигимни кийиб кетмаганда, қачон келса ҳам майли эди. Келмаса, эрталаб ишга нима кийиб бораман?

ЭРИНИНГ хуррагидан ухломмаган хотин охир уйғотишга мажбур бўлди.

— Дадаси, хуррагингиздан болалар ҳам уйғониб кетишди. Ана, ишонмасангиз қаранг, қизингиз чироқни ёқди.

— Жуда ваҳимачисан-да, хотин, ахир ўзимга эшитилмаяпти-ку, қандай қилиб қўшни хонага эшитилсин?

С. СИРОЖИДДИНОВ.

Олдини олса бўлар ҳар қандай дарднинг...

ЕКИ ГИЙБАТ ВА ГИЙБАТЧИЛАР ҲАҚИДА

Ажаб ҳол: сен дейсан эрта-кеч худо, Қасдинг йўқ бировга, мансабига ҳам. Сипоҳдоринг эса оромдан жудо — Сени рақиб билар ўзга чинакам.

Олдин олса бўлар ҳар қандай дарднинг, Мумкиндинр ойда ҳам қурмоқлик макон. Аммо иложи йўқ сотқин, номарднинг Қалбида покликни тиклаш ҳар қачон.

Гийбатчи ўртада алам кўзгатар, Дўстларнинг асабин мудом кўзгатар. Ниятга етиб қолса ул номард Алданган қалбларда ситам кўзгатар.

Е раб, қудратингга икромман минг бор, Аммо бир нарсага ҳайронман бисёр. Қаҳрингдан кўрқмаган мурдорларингни Инсон деб яратиш не кераги бор?

Гийбатга учганда тўлқинларан жон, Зукко тафаккур ҳам бўлар бедармон. ҲАҚга озор бериб сўнар шиддатинг, Сўнг эса бағрингни эзди армон.

Гийбатчиға тилдан қанча тўкма бол, Қанча эъозлама, бўлмагин хушҳол, Қалбингни пойига тўшасанг ҳам гар Ифлос тили билан этар поймол.

Шоир, бу заминнинг сийнасиға боқ, Унда паноҳ топмиш минг бир бегуноҳ. Тирилтириб сўрсанг, улар дейишар: — Бошимизга етган гийбатчи, гумроҳ!

Саид, бу дунёнинг ўзи ҳам бир кам, Ноўрин чекмагил ташвиш ила ғам. Ортингдан ёвларинг хўрсин ит каби Сен олға кетавер ҲАҚ билан ҳамдам.

Санджон МУСТАФОЕВ.

Муҳаррир ўринбосари
С. Ф. МУСАЕВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

«Тошкент ҳақиқати» рўзномаси жамоаси рўзнома бўлим мудири М. Мирхамидовга отаси

Мирхамид АЗИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси жамоаси республика миқёсидаги шахсий пенсионер, Ўзбекистон Республикаси спорт фахрийлари Кенгаши раиси Абдулла Мирзаевич ҚУЗИБОЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.